



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА КВАНИЛ®

Препаратнинг савдо номи: Кванил®

Таъсир этувчи модда (ХПН): цитиколин натрий

Дори шакли: плёнка қобиқ билан қопланган таблеткалар.

Таркиби:

Ҳар бир плёнка қобиқ билан қопланган таблетка қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: цитиколинга эквивалент бўлган цитиколин натрий – 500 мг;

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, микрокристалл целлюлоза РН101, повидон К-90, натрий кроскармеллоза, коллоид кремний диоксиди, магний стеарати, оқ опадрай 03F58750, изопропил спирти ва дихлорметан.

Таърифи: капсуласимон шаклдаги силлиқ оқ рангли плёнка қобиқ билан қопланган таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: психостимуляторлар, диққат-эътибор танқислиги/гиперфаоллик синдромини даволаш учун қўлланиладиган воситалар ва ноотроплар.

АТХ коди: N06ВХ06

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Кванил® – бу ноотроп препаратдир. Цитиколин хужайра мембранаси муҳим ультратузилмавий компонентларининг (кўпроқ фосфолипидлар) ўтмишдоши бўлиб, кенг таъсир доирасига эга – хужайраларнинг шикастланган мембраналарининг тикланишига ёрдам беради, фосфолипазалар таъсирини ингибиция қилади, эркин радикалларнинг ортиқча ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади, шунингдек апоптоз механизмига таъсир кўрсатган ҳолда хужайраларнинг ҳалок бўлишини олдини олади.

Кванил® ацетилхолин синтезини оширгани ҳолда холин манбаи бўлиб ҳисобланади ва нейронлар мембранасида тузилмавий (таянч) фосфолипидлар биосинтезини рағбатлантиради. Холинергик нейронларда нерв импульслари узатилишини яхшилади, нейронал мембраналар пластиклигига ва рецепторлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Церебрал қон оқимини яхшилади, бош мияда метаболик жараёнларни кучайтиради, бош миянинг ретикуляр шаклланиши тузилмаларини фаоллаштиради.

Инсултнинг ўткир даврида шикастланган тўқима ҳажмини камайтиради, холинергик узатишни яхшилади.

Кванил® бош мия гипоксияси ва ишемиясида кузатиладиган симптомларни, шу жумладан хотира сусайиши, эмоционал лабиллик, ташаббуссизлик, кундалик ҳаракатларни бажаришда ва ўзига хизмат кўрсатишда қийинчиликларни юмшатади.

Бош мия шикастланишида шикастланишдан кейинги кома давомийлигини ва неврологик симптомлар ифодаланганлигини камайтиради.

Кванил® шишга қарши хусусиятларга эга ва нейронал мембранага ўзининг барқарорлаштирувчи таъсири туфайли бош мия шишини камайтиради.

Соғайишни тезлаштиради ва шикастланишдан кейинги синдром давомийлигини ва жадаллигини камайтиради.

Кванил® дегенератив ва томир этиологиясидаги когнитив, сезувчан ва ҳаракатланишга доир неврологик бузилишларни даволашда самаралидир.

Фармакокинетикаси

Цитиколин перорал, мушак ичига ва вена ичига юборилганида яхши сўрилади. Препарат юборилганидан кейин қон плазмасида холин даражасининг сезиларли ошиши кузатилади. Перорал қўлланилганида препарат деярли тўлиқ сўрилади. Тадқиқотлар перорал ва парентерал юбориш йўлларида биокираолишлиги деярли бир хил эканлигини кўрсатди.

Препарат ичакда ва жигарда холин ва цитидинни ҳосил қилган ҳолда метаболизмга учрайди. Цитиколин юборилганидан кейин бош мия тўқималари томонидан ўзлаштирилади, бунда холинлар фосфолипидларга, цитидин цитидинли нуклеоидларга ва нуклеин кислоталарига таъсир кўрсатади. Цитиколин тезда бош мия тўқималарига етиб боради ва фосфолипидлар фаолиятини фаоллаштирган ҳолда хужайралар мембраналарига, цитоплазмага ва митохондрияларга фаол ўрнашади.

Фақат юборилган дозанинг унча катта бўлмаган миқдори (3% дан кам) сийдик ва ахлат билан чиқарилади. Юборилган дозанинг тахминан 12% нафас йўллари орқали чиқарилади. Препаратни сийдик билан ва нафас йўллари орқали чиқарилиши 2 та босқичга эга: биринчи босқичда тезда чиқарилади (сийдик билан – биринчи 36 соат давомида, нафас йўллари орқали – дастлабки 15 соат давомида), иккинчи босқичда секин чиқарилади. Препарат дозасининг асосий қисми метаболизм жараёнларига киришади.

Қўлланилиши

- инсультнинг ўткир фазасида;
- инсульт асоратлари ва оқибатларини даволашда;
- бош-мия шикастланиши ва унинг оқибатларида;
- келиб чиқиши дегенератив ва томирли бўлган церебрал патология келтириб чиқарган когнитив, сенситив, мотор ва неврологик бузилишларида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Тавсия этиладиган доза суткада 500-2000 мг ни (1–4 та таблеткани) ташкил этади.

Препарат дозаси ва даволаш муддати бош мия шикастланишининг оғирлигига боғлиқ бўлади ва шифокор томонидан белгиланади.

Кекса ёшдаги пациентлар дозага тузатиш киритишга эҳтиёж йўқ.

Болаларда: болаларда цитиколин қўлланилишига доир етарлича маълумотлар йўқ, шу сабабли препаратни фақат препаратни қўллашдан кутиладиган фойда потенциал хавфдан юқори бўлганида буюрилади.

Ножўя таъсирлари

Ножўя таъсирлари жуда кам ҳолларда (<1/10 000), шу жумладан айрим якка ҳолларда юзага келади.

Психик бузулишлар: галлюцинациялар, кўзғалувчанлик, уйқусизлик.

Нерв тизими томонидан бузулишлар: бош оғриғи, бош айланиши, тремор.

Юрак-қон томир тизими томонидан бузулишлар: артериал гипертензия ёки гипотензия.

Нафас олиш тизими томонидан бузулишлар: диспноэ.

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан бузулишлар: кўнгил айнаши, қусиш, меъдада оғрик, гиперсаливация, жигар функцияси кўрсаткичларининг сезиларли бўлмаган ўзгариши, диарея.

Тери ва тери ости клеткаси томонидан бузулишлар: қизариш, эшакеми, экзантема.

Юборилган жойидаги реакциялари ва умумий бузилишлар: тана ҳароратининг ошиши, қизиб кетиш, титраш, шишлар.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- препарат компонентларига юқори сезувчанликда;
- парасимпатик нерв тизимининг гипертонуси бўлган пациентларда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Цитоколин L-дигидроксифенилаланин ва леводоп таъсирларини кучайтиради.

Меклофеноксат сақловчи дори воситалари билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.

Препаратни қўллаш вақтида алкогольни истеъмол қилиш мумкин эмас.

Махсус кўрсатмалар

Препарат лактоза сақлайди. Агар Сизда айрим қанд моддаларининг таъсирини ўзлаштираолмаслик мавжуд бўлса, препарат билан даволаш бошланишига қадар шифокор билан маслаҳатлашинг.

Триметиламинурия, Паркинсон касаллиги, тутқаноғи бўлган пациентлар ва анамнезда депрессия билан касалланган беморлар Кванил® препаратини эҳтиёткорлик билан қўллашлари зарур.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Препаратни ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши фақат она учун кутиладиган фойда ҳомила ёки бола учун потенциал хавфдан юқори бўлган ҳолдагина мумкин бўлади.

Автомобилни ва бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Айрим ҳолларда МНТ томонидан айрим ножўя реакциялар автомобилни бошқариш ва мураккаб механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этиши мумкин.

Шу сабабли даволаш вақтида автотранспортни бошқаришда ёки бошқа механизмлар билан ишлашда эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим.

Дозани ошириб юборилиши

Токсиклиги паст бўлганлиги туфайли, интоксикация юзага келиши эҳтимоли ҳатто терапевтик дозалари тасодифан ошириб юборилганида ҳам кам бўлади.

Доза тасодифан ошириб юборилганида симптоматик даволаш ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

10 та таблетка Alu-Alu блистерда.

1 та, 3 та ва 10 та блистер тиббиётда қўллашнишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамга жойланган (1x10, 3x10 ва 10x10).

3 та ёки 10 та якка картон ўрамлар тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга (хар битта картон моноупаковкада) иққиламчи картон ўрамга жойланган (3x1x10) ва (10x1x10).

Сақлаш шароити

Курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Ишлаб чиқариш манзили

Plot No. M-3, Indore Special Economic Zone,
Phase-II, Pithampur, Dist.-Dhar, Madhya Pradesh-454774, Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халқа Йўли кўчаси, 91-уй.

Тел.: +99878 1509797; +99893 3888782

факс: +99878 1509787

E-mail: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz